



# MILLIY TIKLANISH

27 (459) 2017 йил 5 июль, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

### ИЖРО ИНТИЗОМИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛИШ — ЖАДАЛ ТАРАҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 июль куни Тошкент шаҳрида йиғилиш ўтказилди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал хизматлар, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси ҳамда Иқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгаришлар, инвестициялар, банк ва молия тизимини ислоҳ қилиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари комплекси раҳбарлари билан бирга, ушбу комплекслар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарларининг жорий йил биринчи ярим йиллиги якунлари, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари, шунингдек, иккинчи ярим йилликдаги долзарб вазифалар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди ва ҳар томонлама, атрафлича муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган давр мобайнида мазкур комплекслар таркибига кирувчи соҳалар бўйича муайян натижа ва марраларга эришилган бўлса-да, хотиржамликка берилмасдан, ҳали ечимини қутаётган масалаларни таҳлил қилиш, мавжуд резерв ва имкониятларни тўлиқ ишга солиш чораларини ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари жорий йил биринчи ярим йиллигида янгидан ёки қайта ташкил этилган вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали йўлга қўйиш масалаларига алоҳида тўхталиб, бу борада Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат инвестициялар қўмитаси, Кичик тадбиркорликни ривожлантириш Кафолат жамғармаси раҳбарлари томонидан жиддий камчиликларга йўл қўйилганини қайд этди. Ушбу вазирлик ва идоралар раҳбарлари олдига қисқа муддатда мавжуд бўлиб ўринларга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган асосий вазифа ва функцияларни тўлиқ ва сифатли бажаришни таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўриш юклатилди.

Коммунал хизматлар, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси таркибидagi айрим идоралар, жумладан, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, "Ўзқурилишматериаллари", "Ўзмонтаж-максусқурилиш", "Ўзшаҳарқурилиш инвест" компаниялари, Республика йўл жамғармаси, "Қишлоқ қурилиш банк" ва "Ипотека-банк" томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил ўтган даврида мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб амалга оширган таширлари ва учрашуларда берилган топшириқлар ижросини таъминлашда йўл қўйилган ҳар бир камчилик ва нуқсон танқидий таҳлил қилиниб, ушбу идоралар раҳбарлари жиддий огоҳлантириди. Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги раҳбари эгалаб турган лавозимига нолайиқ экани қайд этилиб, ушбу тизимни тубдан қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси иш фаолияти ҳам қониқарсиз. Иқтисодиёт комплексининг собиқ раҳбарлари иқтисодий мажмуа ишини мувофиқлаштира олмаган, вилоят, туман ва шаҳар даражасидаги идоралар ишини ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Йиғилиш иштирокчиларининг диққат-эътибори давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятида ижро интизомига оғишмай риюя қилиш, бел-

гиланган вазифа ва функциялар, топшириқларни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш, ҳар қайси соҳада қатъий тартиб-интизомни таъминлаш зарурлигига қаратилди. Бу борада жиддий камчиликларга йўл қўйган "Ўзбекизоққатҳолдинг" компанияси раиси О.Рустамов, "Ўзгрозэкспорт" жамияти раҳбари Ж.Холмухамедов ва "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси раиси М.Мансуров ўтган ҳафтада лавозимидан озод этилгани эслатиб ўтилди. Барча вазирлик ва идоралар, компаниялар ва ҳўжалик бирлашмалар раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олиши кераклиги алоҳида ўқтирилди.

Йиғилишда мамлакатимиз иқтисодиётининг бугуни ва эртаси қандай бўлиши кўп жиҳатдан Иқтисодий ривожлантириш комплекси вазирликларининг иши сифати ва натижаларига боғлиқ экани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, мажлисда охириги йилларда кичик бизнесни рағбатлантириш юзасидан қўллаб қарорлар қабул қилинганга қарамай, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида тўсиқлар ҳали ҳам мавжудлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан, Комплекс раҳбари — Бош вазир ўринбосари Жамшид Кўчқоровга Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда тадбиркорлик соҳасидаги барча муаммоларни батафсил таҳлил қилиб, илгор ҳаққаро тажрибани инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда кичик бизнес, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожига кескин туртки берадиган тақлифларни ишлаб чиқиш топширилди. Йиғилишда жойларда бўлиб турган давлат объектилари ёки илгари хусусийлаштирилган, лекин бугунги кунда фойдаланилмаётган бино-иншоотлар бўйича барча таъсир механизмлари ишлаб чиқилган, зарур ҳуқуқий база яратиб берилган бўлса-да, бу борада ҳали сезиларли натижалар таъминланмагани афсус билан қайд этилди.

Банк-молия тизимини расмиётчилик билан, юзаки ислоҳ қилиш амалиётига чек қўйиб, тизимни замонавий услублар асосида ишлайдиган соҳага айлантириш вазифаси ўртага қўйилди. "Энг муҳими, бугунги кунда мамлакатимиздаги тижорат банклари энг замонавий хизматларни кўрсатиб, ҳар бир мижознинг кўнглига йўл топа оладиган, уни ўзига жалб этиш учун рақобат қилиш салоҳиятига эга бўлиши керак", деди давлатимиз раҳбари.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмаларининг жорий йил иккинчи ярим йиллигида белгиланган мақсадли параметрлар ва тадбирларни тўлиқ ва ўз муддатида амалга ошириш, шунингдек, ўрта ва узоқ муддатли истиқболни олинган ҳисоб-китоб қилиш ва унга эришиш учун "йўл хариталари" ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилиниб, аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди ва муҳокама қилинди, иқтисодиёт тармоқларини изчил ривожлантириш борасидаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда жадал ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида мавжуд резерв ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш вазифалари белгиланди.

### Юзма-юз

Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ой ҳудудларда бўлиб, туман ва шаҳарларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, соҳа ва тармоқлар ривожини билан бевосита танишмоқда. Аҳоли билан очиқ мулоқотларда уларнинг мурожаатлари, ҳудудларда ечимини қутаётган муаммолар йўриқлари, ахсарият масалаларни жойида ҳал этиш чоралари кўриляптир. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қўйи палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этиб, тегишли муносабатлар ҳамроҳлигида жойлардаги муаммоларни, одамларни қийнаётган, йўлантираётган масалаларни ижобий ҳал қилишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.



## АҲОЛИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

ИНСОН МАНФААТЛАРИ, ҲУДУДЛАР РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

### ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ПУНКТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Хоразм вилоятидан сайланган депутатлар, ЎзМТДП фракцияси аъзолари Жуманазар Отажонов ва Иноят Ҳожиёв 3-4 июль кунлари Янгиариқ туманидаги Оқмасжид қишлоғида, Остона қишлоғининг Сардорлар, Хўжалар ва Чақир маҳаллаларида бўлиб, ҳудуддаги масалаларни ўрганди, хонадонма-хонадон юриб, аҳоли билан мулоқот қилди. Депутатлар Оқмасжид қишлоғидаги 62-қишлоқ оилавий поликлиника фаолияти билан танишди.

— Ҳудуддаги оилавий поликлиника фаолиятини ўрганиш давомида бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан бирга, айрим муаммолар ҳам мавжудлигига гувоҳ бўлдик, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жуманазар Отажонов. — Аҳолининг айтишича, қишлоқ туман марказидан узоқ бўлгани боис тез тиббий ёрдам олишда қийинчиликлар юзага келаятган экан. Шу боис қишлоқ аҳли оилавий поликлиникага тез тиббий ёрдам машинаси ажратилишида амалий ёрдам сўради. Ушбу масала юзасидан туман тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилди. Натижада 62-қишлоқ оилавий поликлиникаси қошида тез тиббий ёрдам пункти ташкил этилиб, муассасага тез тиббий ёрдам машинаси ажратилди.

Ҳудуд аҳолиси депутатлар билан мулоқотлар чоғида ўзларини қийнаётган, шу пайтгача

ҳал бўлмаган муаммолар, масалалар юзасидан мурожаат қилиб, уларни ечишда йўл-йўриқ, кўмак сўрадилар. Хусусан, депутатлар Сардорлар маҳалласида яшовчи Умрбек Собировнинг хонадонида бўлганида, ушбу оила ижтимоий кўмакка муҳтож экани маълум бўлди. Оиланинг олти аъзоси бир хонада истиқомат қилмоқда (уйнинг бошқа хоналари қуриб битказилмаган). Бунинг устига Умрбек аканинг ўсмир ўғли Олтибой юрак пороги хасталиги туфайли доимий тиббий куриқда бўлиб туришига тўғри келади. Умрбек Собиров депутатлар билан мулоқот мобайнида ўғлига ногиронлик нафақаси белгилинишида кўмак сўради.

### Миллий гуруҳ

## XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОД АСРИ



Дунёда глобаллашув жараёни қучайиб бораётган ҳозирги даврда илм-фан ва инновацияларнинг аҳамияти янада ортмоқда. Шу боис ҳам мамлакатимизда илмий-техник ижодкорликни рағбатлантириш, инновация фаолиятини ривожлантириш, интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ихтирочи ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўллаш ишлар амалга ошириляптир. Замонавий билим масканларида жаҳон стандартлари асосида таълим-тарбия олаётган ёшларимиз эса нуфузли танловлар, фан олимпиадалари, мусобақа ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, юксак интеллектуал салоҳияти, кенг тафаккури ва эҳси билан дунё аҳли ҳавасини уйғотмоқда.

### Муносабат

Ҳар бир мамлакатнинг бугуни ва келажги қандай бўлиши кўп жиҳатдан ёшларнинг қай даражада таълим-тарбия олаётгани билан белгиланади. Зеро, Ватан тараққиёти, миллат истиқболи шу заминда вожа етаётган йил-қизларнинг камоли билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода демократик жамият қуриш жараёнида мураккаб ва кенг қўллаш вазифаларини ҳал этишга қодир янги авлодни тарбиялаш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

## ЁШЛАР — МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

Шу билан бирга, ҳаётимизни кескин ўзгариётган демократик ислоҳотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан биридир. Айни шу мақсадда мамлакатимизда изчил амалга ошириляётган ёшларга оид давлат сиёсати эртанги эгаларининг эзгу орзу-интилашларини рўёбга чиқариш, соғлом ғоя ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғояси билан бу борада мамлакатимизда ёшларнинг чинакам суюнчи ва таянчи бўла оладиган, барча тоифа ва гуруҳларини қамраб оладиган, уларни демократик принциплар асосида бирлаштиради-

ган мутлақо янги ташкилот — Ўзбекистон ёшлар иттифокининг ташкил этилгани эл-юртимиз ҳаётида тарихий воқеадир.

2017 йилнинг 30 июнь куни пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида иштирок этган давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ёшлар қалбига йўл топиш, улар билан доимий мулоқот қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши эканини яна бир бор таъкидлади, янги ташаббус ва тақлифларни илгари сурди, мамлакатимиз ёшларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим ва долзарб вазифаларни белгилаб берди.

### Ушбу сонда:



ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ МАСКАНИ

ЎЗА

### САНЪАТГА БАХШИДА УМР



7-бет

8-бет





Ташаббус натижа берди

Сурхон воҳаси тарихий обида ва муқаддас қадамжолари билан машҳур. Вилоятда бугунги кунда 26 тарихий обида, 27 зиёратгоҳ, 293 археологик объект, 39 монументал санъат ёдгорлиги мавжуд. Бу эса ҳудудда туризм индустриясини ривожлантириш, воҳани жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айлантириш имконини беради. Шу боис халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ҲЗМТДП гуруҳлари партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга асл ҳолича етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Партия гуруҳлари "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг ҳудудлардаги ижросини ўрганиб, маҳаллий Кенгаш сессиялари муҳокамасига олиб чиқишга эришяптир. Қбул қилинган сессия қарорлари эса бебаҳо маданий меросимизни янада бойитиш ва асраб-авайлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТЕРМИЗ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ҲЗМТДП ГУРУҲИ УШБУ МАСАЛАНИ СЕССИЯ МУҲОКАМАСИГА ОЛИБ ЧИҚДИ

Яқинда халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши сессиясида ҲЗМТДП гуруҳи ташаббуси билан ушбу қонун ижроси қизгин муҳокама этилди. Унда партия гуруҳи раҳбари Соатмурод Назаров маъруза қилди.



— "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун ижросини ўрганиш жараёнида ҳудудда жойлашган маданий мерос объектларининг бугунги ҳолати, улардан қай даражада фойдаланилаётгани, сони ва жойлашган ўрни, давлат кадастрига киритилгани, паспорти ва муҳофаза чегаралари билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. — деди депутат. — ҲЗМТДП гуруҳи шунга маълум бўлдики, туманимизда 24 қадимий ёдгорлик ва тарихий обида мавжуд бўлишига қарамай, ёшларимизнинг ақарияти улар ҳақида етарли маълумот ва тасаввурга эга эмас. Ваҳоланки, бу ердаги маданий мерос объектларини нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам бир марта бўлса-да кўриш истагидаги инсонлар бисёр. Ҳаким Ат-Термизий, Султон Саодат, Қирққиз, Кокилдор ота макбаралари, Фаёзтепа, Тўрт оғиз, Катта масжид, Зурмула, Чор гўмбаз каби архитектура ёдгорликлари ва Каптархона минораси шулар жумласидандир. Бугун уларнинг ақарияти реконструкция қилиниб, бутунлай ўзгача қиёфа касб этаётир. Натижада бундай тарихий ва муқаддас қадамжоларга келувчилар сони ҳам тобора ортиб борапти. Хусусан, Ҳаким Ат-Термизий тарихий мажмуаси ўзининг янги кўриниши билан кўпчиликнинг эътиборини ўзига қаратмоқда. Султон Саодат ва Кокилдор ота макбараларида олиб борилган ободонлаштириш ишларидан сўнг ушбу қадамжолар янада гўзаллашди, одамлар билан гавжум масканга айланди. Бу борадаги ишларни изчил давом эттириш туманимиз маданий-маънавий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Сессияда таъкидланганидек, бу борада эришилаётган ютуқлар билан бирга ҳал этилиши лозим бўлган қатор

муаммолар ҳам мавжуд. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ҳудуддаги маданий мерос объектларининг 12 тасида муҳандислик топографик тадқиқотлар, маданий мерос объектларининг чизмалари ва карталарини тайёрлаган. Аммо туманда ҳанузгача археология ёдгорликларини сақлаш инспекцияси мавжуд эмас. Назоратнинг йўқлиги натижада айрим маданий мерос объектларини асраб-авайлаш масаласи қоникарсиз аҳволда, айрим объектларнинг ўзбошимчалик билан эгалланиб олинган ҳолатлар учрайди.

ҲЗМТДП гуруҳи раҳбари Соатмурод Назаров бундан ташқари, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш масаласида муаммолар ҳам мавжуд. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ҳудуддаги маданий мерос объектларининг 12 тасида муҳандислик топографик тадқиқотлар, маданий мерос объектларининг чизмалари ва карталарини тайёрлаган. Аммо туманда ҳанузгача археология ёдгорликларини сақлаш инспекцияси мавжуд эмас. Назоратнинг йўқлиги натижада айрим маданий мерос объектларини асраб-авайлаш масаласи қоникарсиз аҳволда, айрим объектларнинг ўзбошимчалик билан эгалланиб олинган ҳолатлар учрайди.

лиги, бу борада тегишли мутасадди идоралар ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш лозимлиги таъкидланди. Билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида сессия қарор қабул қилди. Унга мувофиқ, туман ҳокими ўринбосарлари ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар мунтазам равишда муҳофаза қилиш ишларини олиб бориш, маданий мерос объектларини таъмирлаш ва янада бойитиш вазифаси юклатилди. Бундан уларни сифатли таъмирлаш, асл тарихий қиёфага келтириш, муҳофаза қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Туман маданият ишлари бўлимига шу йилнинг 1 сентябрга қадар ҳудуддаги барча маданий мерос объектларини тўлиқ қайта рўйхатдан ўтказиш ҳамда тегишли ҳужжатларни Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига тақдим этиш, тумандаги таъмирлашни лозим бўлган маданий мерос объектлари рўйхатини шакллантириш, туман бош архитектори ҳамда бошқа ташкилотларга тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадамжоларга олиб борадиган йўлларни таъмирлаш чора-тадбирларини кўриш вазифаси топширилди. Шунингдек, тумандаги маданий мерос объектларига оид маълумотларни ўрганиш ва тарғиб-таъқиқ қилиш ишларини кучайтириш, уларнинг муҳофазаси билан боғлиқ жараёнларни доимий назоратга олиш лозимлиги белгиланди.

ҲЗМТДП гуруҳи раҳбари Соатмурод Назаров бундан ташқари, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш масаласида муаммолар ҳам мавжуд. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ҳудуддаги маданий мерос объектларининг 12 тасида муҳандислик топографик тадқиқотлар, маданий мерос объектларининг чизмалари ва карталарини тайёрлаган. Аммо туманда ҳанузгача археология ёдгорликларини сақлаш инспекцияси мавжуд эмас. Назоратнинг йўқлиги натижада айрим маданий мерос объектларини асраб-авайлаш масаласи қоникарсиз аҳволда, айрим объектларнинг ўзбошимчалик билан эгалланиб олинган ҳолатлар учрайди.

Толдирган таклиф-мулоҳазалари сессия қарориди тўлиқ ўз аксини топгани эътиборга молик. ҲЗМТДП гуруҳи шунга маълум бўлдики, туманимизда 24 қадимий ёдгорлик ва тарихий обида мавжуд бўлишига қарамай, ёшларимизнинг ақарияти улар ҳақида етарли маълумот ва тасаввурга эга эмас. Ваҳоланки, бу ердаги маданий мерос объектларини нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам бир марта бўлса-да кўриш истагидаги инсонлар бисёр. Ҳаким Ат-Термизий, Султон Саодат, Қирққиз, Кокилдор ота макбаралари, Фаёзтепа, Тўрт оғиз, Катта масжид, Зурмула, Чор гўмбаз каби архитектура ёдгорликлари ва Каптархона минораси шулар жумласидандир. Бугун уларнинг ақарияти реконструкция қилиниб, бутунлай ўзгача қиёфа касб этаётир. Натижада бундай тарихий ва муқаддас қадамжоларга келувчилар сони ҳам тобора ортиб борапти. Хусусан, Ҳаким Ат-Термизий тарихий мажмуаси ўзининг янги кўриниши билан кўпчиликнинг эътиборини ўзига қаратмоқда. Султон Саодат ва Кокилдор ота макбараларида олиб борилган ободонлаштириш ишларидан сўнг ушбу қадамжолар янада гўзаллашди, одамлар билан гавжум масканга айланди. Бу борадаги ишларни изчил давом эттириш туманимиз маданий-маънавий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Аҳмад ЮСУПОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Маҳаллий Кенгашларда

Халқ манфаати, одамлар таъмиши ва дарди билан яшаш, уларнинг оғирини енгиш қилиш — депутатлар зиммасидаги энг асосий масалалардан. Бундай сазой-ҳаракатлар, ўз навбатида, аҳоли фаровонлиги ва ҳудудлар ободлигига хизмат қилмоқда.

ОДАМЛАР ОФИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ — БАРЧАНИНГ ИШИ

БУ ДЕПУТАТЛАРИМИЗДАН ЯНАДА ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР БЎЛИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги ҲЗМТДП гуруҳи аъзолари аҳоли билан мулоқот қилиб, жойлардаги кўплаб муаммоларни бартараф этишга кўмаклашмоқда, одамларнинг оғири енгиш, мушқули осон қилинаётир. Бунда, айниқса, мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юбориш имкониятидан самарали фойдаланилмоқда.

— Аҳоли билан мулоқотлар чоғида ўртага ташланаётган кўчаларга тунги чироқлар ўрнатиш, йўлларни обод қилиш, спорт майдончалари барпо этиш каби масалалар, беморлар ва ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларнинг мурожаатларига мутасадди ташкилот ва ҳомиёлар ёрдамида ечим топилаётган. — дейди халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги ҲЗМТДП гуруҳи раҳбари Лазиз Расулов. — Мулоқотларни мунтазам ташкил этиш, аҳоли мурожаатларига қўлоқ тутиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, аҳоли талаби ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориш асосий вазифамизга айланган.

Қарши шаҳрининг марказий ҲЗбекистон кўчаси ва "Орзу" бозори кешишган чорраҳа доим гавжум бўлса-да, аммо светофор қўйилмаган эди. Бу эса кўп ҳолларда йўл-транспорт ҳодисаси, пировардида маҳаллий аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганди. Партия гуруҳи аъзоларининг ушбу чорраҳага светофор ўрнатиш юзасидан Қашқадарё вилоят Ички ишлар бош бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига юборган депутатлик сўривидан сўнг ушбу масала ўз ечимини топди.

Аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам депутатларнинг доимий эътиборида. Хусусан, партия гуруҳи раҳбари Лазиз Расулов "Чақар" маҳалла фуқарован йиғини ҳудудда истиқомат қилувчи Зулфия Жўраеванин мурожаати асосида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига депутатлик сўрови юборди. Натижада фуқаро имтиёзли равишда даволаниш имкониятига эга бўлди.

Миллий қадриятларимиз, буюк азиз-авлиёларимизнинг хотираси, меросини тиклаш, қадамжоларини обод қилиш

Доимий комиссияларда

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

УШБУ МАСАЛА ҲЗМТДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, орзу-умидларини рўйбега қилириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу жараёнда маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар ҳам фаол иштирок этиб, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка йўналтириш, имтиёзли банк кредитлари ажратилишида амалий кўмак беришга интиломоқда. Улар мурожаатлари асосида мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилмоқда, доимий комиссия ҳамда сессияларга таклиф, ташаббус-масалалар олиб чиқилаётир.

Яқинда халқ депутатлари Амударё туман Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш ҳамда ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида ҲЗМТДП гуруҳи ташаббуси билан "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуннинг ҳудуддаги ижроси, туман ёшларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ҳамда касб-ҳунарга йўналтириш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда туман ҳокимлиги мутасаддилари, депутатлар, маҳалла ҳамда таълим муассасалари вакиллари иштирок этди. Унда халқ депутатлари туман Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш ҳамда ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси, ҲЗМТДП гуруҳи аъзоси Ширин Янгибоева маъруза қилди.

— "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуннинг тумандаги ижросини таъминлаш, бу борада амалга оширилаётган сазой-ҳаракатларни батафсил ўрганиш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш биз учун долзарб вазифадир, — деди депутат Ширин Янгибоева. — Бу борада тегишли ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, ёшларнинг орзу-интилишлари, муаммоларини ўрганиш, уларга кўмак беришда бир ёқадан бош қўқариб, ҳамжихатликда ҳаракат қилиш лозим.

мазаласи ҳам маҳаллий Кенгашларга ҲЗМТДПдан сайланган депутатларнинг доимий эътиборида. Зеро, партия сайловолди Платформасида мавжуд маданий ёдгорликларни, ҲЗбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, мейморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори атиқалар сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлашга алоҳида аҳамият қаратилган. ҲЗМТДП гуруҳи ушбу дастурий мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилоят бўлими ҳамда Қарши шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасига "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг ҳудуддаги ижроси ҳамда шаҳарда маданий мерос объектлари давлат кадастрининг юритилиши борасида амалга оширилган ишлар юзасидан мурожаат юборди. Депутатлар бу борадаги ўрганишлар асосида доимий комиссия ҳамда маҳаллий Кенгаш сессияга яқин кунлар ичида таклиф ҳамда ташаббус-масала киритишни режалаштирган.

...Мурожаатлар тури ва кўп. Лекин шуниси аниқки, улар ортида инсон тақдири ётибди. Кўтарилаётган муаммоларга ўз вақтида ва оқилона ечим топиш одамлар қалбида ҳаётдан рози бўлиб яшаш, эртасига ишонч билан қараш туйғусининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Шу боис ҳам халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги ҲЗМТДП гуруҳи аъзолари барча сазой-ҳаракатларини партия сайловолди Платформасини амалга ошириш, пировардида одамларни рози қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни ўз вақтида бартараф этишга қаратган. Бироқ кундалик ҳаётимизда аҳоли талаб ва эҳтиёжлари, ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар ҳам талай эканлиги сир эмас. Бу эса депутатлардан янада фаол ва ташаббускор бўлишни тақозо этади.

Ақбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

нинг олдини олиш, йиғит-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, юксак манавиятга, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш юзасидан аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, ёшларда мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш ва китобхонлик маданиятини юксалтириш, иқтидорли йиғит-қизларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйбега чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланишга кенг жалб этиш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бу борадаги муаммо ва камчиликларни мунтазам ўрганиб бориш ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилган ишларни изчи амалга ошириш лозимлиги қайд этилди.

Ёшларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, касб-ҳунарга йўналтириш, мафкуравий таҳдидлардан асраш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Чунки юртимизнинг эртанги кунини кўп жиҳатдан мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшлар билан бевоқифа боғлиқ. ҲЗбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол янги авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилиш устувор вазифа этиб белгиланган. Дастурий вазифалар ижроси партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг янада фаол ва ташаббускор бўлишини тақозо этади. Зеро, бу борада амалга ошириладиган ҳар бир амалий иш навқирон авлод учун имкониятлар эшигини очиш билан бир қаторда, уларга янада кўпроқ эътибор қаратиш, йиғит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади.

Аҳмад МЕНГЛИМУРОДОВ, "Milliy tiklanish" мухбири





МММда

## СИФАТЛИ ВА АРЗОН ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ КЕНГАЙДИ

Миллий матбуот марказида "Дори-дармон" акциядорлик компанияси республика аҳолисини сифатли дори воситаларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

"Дори-дармон" АК раҳбари Абдуғани Комилонинг таъкидлашича, мамлакатимиз фармацевтика соҳасида туб ўзгаришлар рўй бераётгани туфайли 132 маҳаллий корхона 2 минг турдан ортиқ дори-дармон воситалари ишлаб чиқармоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 16 сентябрдаги "2016-2020 йилларда республика фармацевтика sanoatини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги ва 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, халқимизни арзон, сифатли дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган айрим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари дунёнинг 20 дан ортиқ давлати, жумладан, МДХ, Европа иттифоқи мамлакатлари ва АҚШга экспорт қилинмоқда.

Ҳозирда "Дори-дармон" АК таркибида 8 акциядорлик, 12 масъулияти чекланган жамият, 17 дори омборхонаси, 15 назорат-таҳлил лабораторияси фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиз ҳудудларида 1 минг 400 дан ортиқ дорихона ташкил этилган. Шундан 1 минг 80 га яқини қишлоқларда жойлашган. 2017 йилнинг ўтган даври мобайнида қишлоқ

врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалардаги дорихона шохобчалари қишлоқ аҳолисига 15,9 миллиард сўмлик савдо хизмати кўрсатди.

— Жорий йил якунига кўра аҳолини сифатли ва арзон нархлардаги дори воситаларига бўлган талабини қондириш мақсадида қиймати 7,86 миллион АҚШ долларига тенг 5 инвестицион лойиҳани амалга ошириш орқали юзга яқин янги иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган, — дейди компания бўлим бошлиғи Мирғиёс Саидов. — Булар Қашқадарё вилоятидаги эфир мойлари, экстрактлар ҳамда кукун шаклидаги антибиотиклар ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар, Бухоро вилоятидаги доривор ўсимликлардан кукун шаклидаги дори воситаларини ишлаб чиқариш корхонаси, Сурхондарё вилоятидаги доривор ўсимлик ва гиёҳлар асосида дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда Наманган шаҳридаги доривор мойларни ишлаб чиқариш, қадоқлаш лойиҳаларидир.

Компания томонидан сифатсиз дори маҳсулотлар савдосининг олдини олиш бўйича мониторинг олиб борилаётган. Юридик ва жисмоний шахслардан келган мурожаатлар доимий назоратда. Тасдиқланган жадвал асосида компания раҳбарияти томонидан фуқароларни ва 120-16-61 рақамли ишонч телефонлари орқали мурожаатларни қабул қилиш ташкил этилган.

Матбуот анжуманида "Дори-дармон" акциядорлик компанияси фаолиятининг бошқа йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Эркин ДОРИПОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

Миллий матбуот марказида "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки тизимда ахборот технологияларини жорий этиш орқали замонавий банк хизматлари кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди. Унда банк мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

## ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

БАНК МИЖОЗЛАРИ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Эркин бозор иқтисодиёти шароитида ахборот технологияларини жорий этиш орқали замонавий банк хизматлари кўламини кенгайтириш тижорат банкларининг молия бозоридagi ўрни ва рақобатбардошлигини таъминлашда асосий омидир. Бу жараёнда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жумладан, тижорат банклари олдида "Электрон ҳукумат" тизими механизмларини йўлга қўйиш, аҳоли ҳамда юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш вазифаси қўйилган.

"Қишлоқ қурилиш банк"да мижозларга кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш ва уларнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мижозларга кўрсатилаётган замонавий хизматлар тури кўпаймоқда. Мижозлар "Интернет банкинг", "Мобиль банкинг" ва "СМС-банкнинг" хизматлари туфайли вақтларини тежаш ва маблағларни тезкор тасарруф этиш каби қулайликлар эга бўлмоқда.

— Ҳар бир мижоз, албатта, энг қулай ва тезкор хизмат туридан фойдаланишни истайди, — дейди

банкнинг Ахборот технологиялари департаменти бошлиғи Аслиддин Аҳмадзонов. — Банкимиз янги технологиялар асосида жисмоний шахслар учун "Мобиль-банкнинг" ва "СМС-хабарнома" тизимини жорий этган. Яна бир янгилик: банкнинг депозит базасини кучайтириш ва аҳоли пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишларни жадал-

лаштириш мақсадида жисмоний шахслар учун янги инновацион лойиҳа — "Депозит-банкнинг" тизими ишлаб чиқилди. Мазкур тизимга уланиш ва фойдаланиш бепул бўлиб, мижозлар шахсий мобиль телефонлари орқали мuddатли омонат ҳисоб рақамларидаги маблағлар доирасида коммунал тўловлар, истеъмол ва ипотека кредитлари учун тўловларни амалга ошириши мумкин. Ўз омонатидagi маблағлардан пластик карточкага ўтказиш, омонат қолдиқлари ва унинг айланмалари тўғрисида, банкнинг амалдаги омонат турлари ҳақида маълумот олиш, омонатни қайта расмийлаштириш каби имкониятлар яратилган. Бундан ташқари, мижозлар "Депозит-банкнинг" мобиль дастури ёрдамида ўз депозит ҳисоб рақамларидаги маблағлар доирасида нақдсиз амалиётларни банкка келмасдан бажариши мумкин.

Матбуот анжуманида АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган истиқболли лойиҳалар, банк фаолиятининг келгусидаги асосий йўналишлари бўйича ҳам маълумот берилди.

Э. ДОРИПОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

## АҲИЛ ВА МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Халқ билан мулоқот ва ишонч манфаатлари ишида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитасида жамоатчилик назорати гуруҳи тузилиб, жойларда мавжуд муаммоларни йрганиш ва бартараф этиш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Хусусан, бугунга қадар аҳоли билан мулоқотлар натижасида турли соҳадаги 839 мингга яқин муаммолар йрганилган.

Миллий матбуот марказида Хотин-қизлар кўмитаси ташкил этган "Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий соҳалардаги фаолигини ошириш — давлат сиёсатининг устувор йўналиши" мавзусидаги матбуот анжуманида шу хусусда сўз борди. Тадбирда кўмита томонидан

оилалар, аёллар, битирувчи қизлар ва ёшлар билан ишлашнинг янги механизми ҳаётга кенг жорий этилаётгани таъкидланди. Жамоатчилик назорати гуруҳлари аниқлаётган мавжуд долзарб масалалар маҳаллий давлат органлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, маҳаллалар ҳамкорлигида ҳал этилмоқда.

Оилалар билан ишлаш жараёнида бутунги тинч ва осойишта кунлар учун шукроналик, юрт келажаги, фарзанд тақдирини учун масъулият туйғуларини янада орттиришга, турли йллатларнинг олдини олишга, ёшларни яратилган имконият ва шароитларнинг қадрига етишга чорлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Амалий ишлар натижасида ажримларга йўл қўймаслик, айниқса, оталар-

нинг оила олдидagi масъулиятини кучайтириш, билим даргоҳларидаги ўқув-тарбиявий ишлар сифатини янада яхшилашга эришилди.

Бутунги кунга қадар мамлакатимиз бўйича 11 минг 219 оилавий ажримнинг олди олинган, суд ижрочилари билан ҳамкорликда 12 минг 734 фуқаронинг алимент тўлаши таъминланган.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева сўзга чиқди.

Т. АЪЗАМ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

Қадрият

## БУХОРО ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ

ҲАМ БОЙИБ, ҲАМ РИВОЖЛАНМОҚДА

Бухоро қадимдан илму маърифат ва ҳунармандлар маскани бўлиб келган. Ҳунармандчиликнинг, айниқса, зардушлик, заргарлик, мис-кандкорлик, темирчилик, гиламчилик ва кулолчилик турлари кенг ривожланган. Аجدодлардан мерос бу ҳунармандчилик бугун ҳам эъзоз топиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Бу жараён, албатта, ўзига хос тарихга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Парламент комиссияси тақдим этган давлат гранти асосида "Бухоро ҳунармандчилиги — дунё нигоҳида" лойиҳаси доирасида тайёрланган ва чоп этилган "Бухоро ҳунармандчилиги зебу зарлари" китобида шу хусусда сўз боради. Уни тайёрлашда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши, Маънавий тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамда Бухоро ҳунармандчиликни ривожлантириш маркази амалий ёрдам берган.

Китобда қадим Бухоронинг дунёга донғи кетган тарихий обидалари, халқ ҳунармандчилиги, қўли гул усталари ва уларнинг ижод маҳсуллари тарихи ва бутунига кенг ўрин берилган. Бундан асосий мақсад — бухоролик ҳунармандлар яратган бетакрор санъат дурдоналарини келажақ авлодларга етказиш, "устоз-шогирд" мактаби давомийлигини таъминлаш, Бухоро ҳунармандчилигининг ўзига хослигини дунёга кенг танитишни иборат.

Айтиш жоиз, вилоятимиз уста-ҳунармандлари ҳар йили ўтказиладиган "Ташаббус" республика кўрик-танловида фаол ва муносиб иштирок этиб, юқори ўрин ва новиниларга сазовор бўлаётган. Энг асосийси, улар унвонлиб борилаётган халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат турларини сақлаб



қолиш, янги усуллар билан бойитиш ва ривожлантиришга интиломоқда. Шу боис, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, гилам ва сўзана, зардушлик ва анъанавий тикувчилик, миниатюра ва кандакорлик каби кўплаб халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъат турлари кенг ривожланиб, дунёга танилаётган. Китобда соҳа ривожига муносиб улуш қўшаётган 38 нафар бухоролик ҳунарманд фаолияти батафсил ёритилган.

Ҳунармандларга яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар натижасида "Гиждувон кулолчилик маркази", Вобкентда "Ҳунармандчилик маркази", Шофирконда "Каштадўзлик маркази", Бухоро шаҳрида "Совға" зардушлик маркази, "Бухоро заргарлиги",

"Бухоро ипак гиламлари" каби кичик корхоналар ташкил этилди. 55 "устоз-шогирд" мактабида 1,5 мингдан ортиқ ёшларга ҳунар ўргатилади.

Мухтасар айтганда, ушбу китоб ўқувчида Бухоро вилоятида ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатининг тарихи, бутунги ҳолати ва истиқбол ҳақида кенг маълумот ва тасаввур пайдо қилади.

Беҳзод ЖўРАЕВ,  
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши  
Ижроия кўмитаси девони раҳбари,  
"Бухоро ҳунармандчилиги —  
дунё нигоҳида" грант лойиҳаси раҳбари

Миллий гуруҳ

## XXI АСР — ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОД АСРИ

< Давоми.  
Бошланиши 1-бетда.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг иқтидорли талабаси Феруз Муяссаров ҳам янгилик яратишга иштироқи билан банд бўлган. У шу йил 2-5 июнь кунлари Сочи шаҳрида ўтказилган "IT сайёраси — 2016/17" X халқаро олимпиаданинг финал босқичида нуфузли ҳакамлар ҳайъатининг юқори баҳосини олиб, ўзбек ёшлари нималарга қодир эканлигини исботлади.

Ҳар йили ўтказиладиган ва "AT Consulting", "IC", "Cisco", "Huawei", "Inter Systems", "Oracle" каби йирик халқаро компаниялар ташкилотчаси ва ҳомийси саналган мазкур халқаро олимпиада бутун дунёда ахборот технологиялари соҳасида истеъдодли талабалар, ёш мутахассисларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Бу етакчи халқаро IT-компанияларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ, ўз билим ва кўникмасини янада бойитиш учун иштирокчиларга қулай ва беқиёс имкониятдир.

— Халқаро олимпиада айниқса, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида таҳсил олаётган талабалар ва ёш мутахассислар учун муҳим таълим лойиҳаси ҳисобланиши билан эътиборга молик, — дейди Феруз Муяссаров. — Ҳар йили ушбу танловда иштирок этиш истагида бўлган 15 минг нафар ёш рўйхатдан ўтиб, атиги бир неча юз нафари финалга етиб келади. Бу йили саралаш босқичида 12 мамлакатдан 17 мингдан зиёд талаба ва IT мутахассиси иштирок этди. Баллар ҳисоб-китоб қилинган, уларнинг бир ярим мингдан ортиги иккинчи босқичга ўтди. Финал иштирокчиси бўлиш учун эса амалий вазифаларни бажариш, берилган топшириқ юзасидан ижодий ишлар бўйича энг яхши натижаларга эга бўлиш керак эди. Бир сўз билан айтганда, қизғин кенган танлов ва маҳорат сабоқлари нафақат дунёқарашини кенгайтирди, балки ўз устимда янада кўпроқ ишлашимга туртки берди...

Ҳамюртимиз халқаро олимпиаданинг финал босқичида 15 номинациядан бирида голиб чиқишга даъвогарлик қилган 370 иштирокчи орасида 4-ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Бу бежиз эмас. Феруз ўзи танлаган касбининг сир-асорини устозларидан кунг билан ўрганибгина қомай, кўп вақтинги янги йўналишлар олиш учун Интернет тармоғида, қўшимча адабиётлар билан танишиш мақсадида кутубхоналарда ўтказишди. Натижада, замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш борасида қатор ютуқларга эришмоқда. Жумладан, тармоқ технологиялари ва маълумот узатиш тармоқлари бўйича нуфузли "Cisco" компаниясининг сертификатини қўлга киритди.

— Турли ўтказгич қурималари хусусиятларининг физик чекловлари электрон ва компьютер тармоқларини лойиҳалаштиришда кўплаб муаммага сабаб бўлади, — дейди Феруз. — Шу боис телекоммуникация тармоқларини ишлаб чиқиш ва лойиҳалаштиришда барча турдаги ўтказгич ва қурималардан самарали фойдаланиш учун уларнинг хусусиятларини ўрганиш зарур. Мамлакатимиз олий ўқув юрлари талабалари ҳам жаҳоннинг кўзга кўринган таълим масканларининг иқтидорли вакиллари билан тенг беллашаётгани Ўзбекистонда таълим тизими самарадорлиги юксалигидан далолат беради.

Халқаро олимпиададаги муваффақиятдан руҳланган Феруз Муяссаров айни пайтда устози Умулло Алаев кўмагида ўз танлаган соҳаси бўйича қатор изланишларга қўл урди. Айниқса, у яратган техник қурималарни масофадан бошқариш ишланмаси кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

— Мамлакатимизда ёш авлод вакиллариинг интеллектуал салоҳиятини юзга чиқариш учун барча имкониятлар яратилган, — дейди "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бўлим бошлиғи Умулло Алаев. — Натижада изланувчан ёшларимизнинг нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсдаги танловлардаги иштироки ҳам кенгайиб бормоқда. Шогирдим Феруз Муяссаров келажақда илм-фанда юксак марраларни забт этиши ва етук мутахассис бўлиб фаолият кўрсатишига ишончим комил.

Тўмарис АЪЗАМ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

# ФРАНЦИЯ ПАРЛАМЕНТИ

ИККИ ПАЛАТАЛИ БЎЛИБ, МИЛЛИЙ МАЖЛИСДА 577 ДЕПУТАТ,  
СЕНАТДА ЭСА 348 СЕНАТОР ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ

Франция Республикаси ғарбий Европада жойлашган. Ғарбда ва шимолда Атлантика океани ҳамда Ла-Манш бйёзи, жанубда ўрта ер денгизи билан ўралган. Шимоли-шарқдан Бельгия, Люксембург ҳамда Германия, шарқдан Швейцария, жануби-шарқдан Монако ва Италия, жануби-ғарбдан Испания ҳамда Андорра билан чегарадош. Майдони — 547 минг 30 квадрат километр. Аҳолиси — 66,7 миллион. Расмий тили — француз. Пойтахти — Париж шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 18 регион, 101 департаментга бўлинган. Пул бирлиги — евро. Амалдаги Конституцияси 1958 йили референдумда қабул қилинган. Давлат бошлиги — Президент. Қонун чиқарувчи ҳокимият — парламент, икки палата (Миллий мажлис ва Сенат)дан иборат. Ижро ҳокимиятини Президент ҳамда Вазирлар кенгаши (ҳукумат) амалга оширади. Франция Европа Иттифоқига аъзо.



Миллий мажлисда беш йил муддатта сайланадиган 577 депутат, Сенатда олти йил муддатта сайланадиган 348 сенатор фаолият юритади. Сенат таркибининг ярми ҳар уч йилда янгиланади. Шунга мувофиқ равишда унинг раиси ҳам ҳар уч йилда сайланади. Миллий мажлис раисининг ваколат муддати депутатлар каби беш йил этиб белгиланган. Президент фақат куйи палатани тарқатиб юбориш ваколатига эга.

Куйи палатада партия фракциялари тузилади. Ҳар бир фракция камида 20 аъзодан иборат бўлиши шарт. Ҳар бир палатада доимий, махсус, назорат ва тафтиш комиссиялари тузилади ва ишчи органлар ҳисобланади. Депутат ва сенаторлар дахлсизлик ҳуқуқига эга. Улар парламент руҳсатисиз жиноий жавобгарликка тортилиши ёки қамоққа олиниши мумкин эмас.

Парламент сессияси октябрь ойининг биринчи иш кунидан бошланиб, кейинги йил июнь ойининг сўнги иш кунигача давом этади. Парламент мажлисларини ўтказиш кунини ва вақтини ҳар бир палата ўз регламентига мувофиқ белгилайди. Парламент Бош вазир ёки Миллий мажлис

аъзоларининг кўпчилик қисми талаби билан навбатдан ташқари сессия ўтказилади. Ҳукумат аъзолари иккала палатанинг ҳам мажлисида иштирок этиши мумкин. Парламент мажлислари очик-ошкора ташкил этилади. Ҳар бир палата Бош вазир ёки ўз аъзоларининг ўндан бир қисми талаби билан ёпиқ мажлислар ҳам ўтказилади.

Парламент ҳамда ҳукумат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Одатда, қонунлар уч ўқишда қабул қилинади. Куйи палата қабул қилган қонун юқори палатага тақдим этилади. Палаталар қабул қилган қонун Президентга юборилади. Давлат раҳбари парламент қабул қилган қонунни кўриб чиқиб, 15 кун ичида имзолаши лозим. Президент қонунни қайта кўриб чиқиш учун ўз эътирозлари билан парламентга қайтаришга ҳақли. Агар парламент аъзоларининг кўпчилик қисми қонунни дастлабки кўринишда қайта маъқулласа, Президент уни имзолаши шарт. Давлат раҳбари парламент томонидан унга тақдим этилган ҳар қандай қонунни Конституцияга қанчалик мувофиқ келиши масаласига ойдинлик киритиш мақсадида уни кўриб чиқиб,

хулоса бериш учун Конституциявий кенгашга тақдим этиши мумкин.

Францияда сайловгача 18 ёшга тўлган мамлакат фуқароси овоз бериш ҳуқуқига эга. 23 ёшга тўлган фуқаро депутат, 35 ёшга тўлган фуқаро сенатор сифатида сайланишга ҳақли. Мамлакатда 577 сайлов округи тузилади. Депутатлар мажоритар сайлов тизими асосида бир мандатли округлардан сайловчиларнинг энг кўп овозини олиш воситасида сайланади. Ҳар бир партия сайловда депутат билан бирга унинг ўринбосарлари номзодини ҳам илгари суради. Ўринбосарлар сайланган депутат турли сабаблар (вазир лавозимини эгалласа, вафот этганда ёки бошқа важлар) билан ишдан кетган тақдирда унинг ўрнини эгаллайди. Депутат ва унинг ўринбосарлигига номзод битта округдан кўрсатилиши шарт.

Биринчи турда ғалаба қозониш учун округдан рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг мутлақ кўпчилик овозини (бирок 25 фоздан кам бўлмаслиги лозим) қўлга киритиш талаб этилади. Борди-ю номзодларнинг бирортаси ҳам сайловчиларнинг мутлақ кўпчилик қисми овозини қўлга кирити олма, бир ҳафтадан сўнг қайта сайлов ўтказилади. Биринчи турда сайловчиларнинг камида 12,5 фоз овозини қўлга киритган номзодларгагина иккинчи турда иштирок этишга руҳсат берилади. Иккинчи турда сайланиш учун сайловчиларнинг нисбатан кўпчилик овозини қўлга киритиш талаб этилади. Агарда номзодлар тенг овозни қўлга киритса, улар орасида ёши улуг номзод ғалаба қозонган деб топилади.

Шу йилнинг 11-18 июнь кунлари Францияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унинг биринчи турида "Олга, республика!" партияси сайловчиларнинг 28,21 фоз, у билан ягона альянс таркибига кирувчи

Демократик ҳаракат партияси эса 4,12 фоз, ўнг йўналишдаги Республикачилар партияси 15,77 фоз овозини қўлга киритди. Қолган сиёсий партиялар эса етарли овоз йиға олмади.

18 июнда ўтказилган сайловнинг иккинчи турида "Олга, республика!" партияси 308 депутатлик мандатини қўлга киритиб, ғалаба қозонди. Мазкур партия билан бир альянсда бўлган Демократик ҳаракат партияси эса 42, Республикачилар партияси 112 мандатни қўлга киритди.

Бу галги сайловда парламентга сайланган аёл депутатлар сони бўйича рекорд натижа қайд этилди. Агар 2012 йилги сайловда 155 аёл депутат этиб сайланган бўлса, бу йил куйи палатадаги 577 депутатлик ўрнининг 223 тасини хотин-қизлар эгаллади. Бу парламент аъзолари умумий сонининг қарийб 40 фоизи дегани. Сайланган депутатларнинг ўртача ёши 48 ёшни ташкил этди. 424 нафар (73 фоз) депутат куйи палата аъзолигига илк бор сайланди.

Бугун Франция парламентида энг кўп депутатлик ўрнига эга "Олга, республика!" партиясига ўтган йилнинг 6 апрелида "Олга" деган ном билан мамлакатнинг амалдаги Президенти Эммануэль Макрон асос солган. Жорий йилнинг май ойидан эътиборан унга Катрин Барбару раислик қилиб келмоқда. Айнан шу вақтдан бошлаб, у "Олга, республика!" деб қайта номланди. Айни пайтда партиянинг 339 минг 751 нафар аъзоси бор. Партия номзодлари сайловдади ташвиқоти жараёнида меҳнат ҳамда нафақа қонуңчилигига ўзгартиш киритиш, терроризмга қарши янги қонун қабул қилиш, давлат харажатлари миқдорини камайтириш билан боғлиқ қатор ташаббус ва мақсад-вазифаларни илгари сурди.



## ҲАМ ВЕРТИКАЛ, ҲАМ ГОРИЗОНТАЛ...

Германиянинг "ThyssenKrupp" компанияси "Multi" деб номланган янги лифт тизимини синовдан муваффақиятли ўтказганини маълум қилди, дейилади "reality.tbc.ru" сайтида.

Лифт ҳам вертикал, ҳам горизонтал йўналишда ҳаракатлана олади. Ҳозирча "ThyssenKrupp"нинг Ротвайль шаҳридаги заводи минорасида синов тариқасида ишга туширилди.

Уни биринчи бўлиб Берлинда курилатган "East Side Tower" биносида қўллаш мўлжалланмоқда. 246 метрлик бинодаги 12 та лифт шахтасидан 3 таси "Multi" тизимига ажратилади. Бино курилиши шу йил якунланади.

"Multi" лойиҳаси 2014 йилда ишлаб чиқилган. Лифт ҳалқаланган тизим кўринишида бўлиб, унда лифт кабинаялари жамоат транспортидек муайян йўналиш бўйлаб магнит рельслар ёрдамида ҳаракатланади. Бу лифтининг вертикал ва горизонтал йўналишда ҳаракатланишида симарқонларни қўллашдан воз кечишга имкон берди.

"Multi" вақт ва энергияни тежаш мақсадида симсиз компьютер тизимидан фойдаланади, экологик тоза маҳсулот саналади.

Лойиҳа муаллифларининг айтишича, ушбу инновация лифтни кутиш вақтини қисқартиришга қаратилган. Кутиш вақти бинонинг ўлчамидан қатъий назар, 15-30 сонияни ташкил қилади.

## РОБОТ-ЭКСКАВАТОР

Япониянинг Осака, Кобе, Тохоку университетлари ҳамда Токио технология институтининг муҳандис-олимлари ма-софадан туриб бошқариладиган, икки қўл-манипуляторга эга экскаватор-роботнинг синов нусхасини ишлаб чиқарди, деб ёзади "techcult.ru" сайти.

Машина табиий офатлардан зарар кўрган ҳудудларда фойдаланилади. Унинг ҳар бир гидравлика манипулятори 360 даражага айлана олади. Робот улар воситасида худди экскаватор сингари чиқиндиларни, вайроналар уюмини дозалаш ва юклаш имкониятига эга. Ундан қерда ва қай мақсадда фойдаланишга қараб, қўл-манипуляторига и-сталган тўтқични маҳкамлаш мумкин.

Бир неча синовдан сўнг уни оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

## ҚАДИМИЙ ДИНОЗАВР ИЗИ ТОПИЛДИ

Швейцариянинг Юра кантони ҳудудидан бундан 152 миллион йил аввал яшаган динозаврнинг оёқ изи топилди. Бу ҳақда РАТА-ТАСС хабар тарқатди.

Унга тезкорар автомагистраль курилиши пайтида тасодифан дуч келинган. Палеонтологлар динозаврга "Jurabrontes curtudulensis" деб ном беришди. Динозаврнинг оёқ излари 77 сантиметргача, бўйи 10-12 метргача бўлган. Бу тахминан Тиранозавр рекс даврига экин. Фақат Тиранозавр рекс 67 миллион йил аввал яшаган.

Топилма Юра кантони маъмуриятига топширилади.



Рангин дунё

Нью-Йорк шаҳрининг Манхеттен туманида жойлашган Замонавий санъат музейи нафақат АҚШ, балки дунёда машҳур музейлардан саналади. Шаҳарнинг диққатга сазовор масканларидан бири бўлган бу музейни ҳар йили икки миллион етти юз мингга яқин санъат ижтисомлари томоша қилади. Шу боис у мамлакатда энг кўп томошабин қиравдиган учинчи музей ҳисобланади.

Музейга 1928 йилда асос солинган бўлса-да, у бир йил ўтиб фаолият юрита бошлаган. Санъатшунос олим Альфред Барр унинг биринчи директори бўлган. Музей жойлашган ҳозирги бино 1939 йилда қад ростлаган. Утган асрнинг 50 ва 80-йиллари ҳамда 2000 йилда қайта таъмирланиб, майдони бир неча баравар кенгайтирилди. Музей биноси бугунги кунга қадар олти маротаба қайта бунёд этилди. 2004 йилга келиб япон меъмор Иоси

Танигути бошчилигида янги бино куриди. Музейнинг мазкур биноси замонавий меъморчиликнинг юксак намунаси саналади.

Кўпчилик музейни биринчи қаватдан эмас, балки унинг энг юқори — олтинчи қаватидан бошлаб томоша қилишни маъқул кўради. Биноси, бинонинг юқори қаватида махсус кўргазмалар ташкил этиш яхши анъанага айланган. Бешинчи қаватда 1880-1940 йилларга оид ҳайкаллар ҳамда тасвирий санъат намуналари билан танишиш мумкин. Бу ердан Гоген, Руссо, Боччони, Мондриан, Модильяни, Кандинский, Лисицкий, Родченко, Миро, Магритт, Дрошан сингари тасвирий санъат намояндаларининг ижод маҳсули ўрин олган. Бундан ташқари, нидерланд рассоми Ван Гогнинг "Юдузли туи", испан мусаввири Пабло Пикассонинг "Авиньонлик қизлар", рус рассоми Казимир Малевичнинг "Оқдаги оқ" номи машҳур асарла-

ри, сюрреалист-рассомларнинг ижод маҳсули ҳам музейнинг шу қаватида сақланади.

Музейнинг тўртинчи қаватида жойлашган француз рассоми Анри Матисс 1910 йилда чизган машҳур "Рақс" асари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бу ерда 1940-1970 йилларга оид ҳайкал ва тасвирий санъат намуналари ҳам сақланади. Уларнинг асосий қисмини абстракт экспрессионизм, минимализм ҳамда поп-арт йўналишида ижод қилган мусаввирларнинг ижод маҳсули ташкил этади.

Учинчи қаватни эса Антонио Гауди, Ле Корбюзье, Ван дер Роэ, Фрэнк Ллойд Райт сингари таниқли дизайнларнинг ўзига хос ва замонавий тарзда ишланган буюмлар — лампалар, кресло, дераза панжаралари ва бошқа ашёлар беэаб турибди. Иккинчи қаватдаги залларда графика санъатига тегишли буюмлар сақланади. Улар орасида,



айниқса, АҚШлик таниқли рассом Илья Кабаков ижоди намуналари санъат мухлисарида катта таассурот уйғотиши, шубҳасиз.

Музейнинг биринчи қаватида ҳайкаллар боғи жойлашган. Боғ

музейнинг атриумида — очик осмон остида жойлашган. Ундан Пабло Пикассо ижодида мансуб машҳур "Эчки" ҳайкали ҳам ўрин олган. Айниқса, йилнинг илқ мавсумида боққа ташриф буюрувчилар сони

янада ортади. Бинода иккита ер ости қават мавжуд бўлиб, унда кинотеатр жойлашган. Бу ерда асосан тарихий киноэпопея ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилади.

Музейда сақланаётган экспонатлар орасида Мерет Опенгеймнинг "Предмет" (1936 йил), Фрэнк Ллойд Райт ишлаган Эдгар Кауфманнинг "Шаршара остида" вилласи макети (1934-1937 йиллар), Клас Ольденбургнинг "Баҳайбат юмшоқ варрак" (1966-1967 йиллар) каби асарлари ҳам сирли кўриниши, ҳам ноода-тийлиги билан кишини ўйлантириб, мушоҳадага чорлайди.

Музей биноси ичкарасида "The Modern" ресторани жойлашган. Бинода эсдалик буюмлар сотиладиган раста ҳам бор. Унда музей билан боғлиқ антика буюмлар, замонавий дизайнларнинг чинакам санъат намуналарини харид қилиш мумкин. Музейга кириш пулики: чипталар нархи катталар учун 20, талаба ҳамда кексалар учун 12 доллар этиб белгиланган.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФҒОРОВ тайёрлади

Улуғ сиймолар ёди

Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов халқимиз ахтиром ва эъзозига сазовор бўлган санъаткор. У ижро этган кўй ва қўшиқлар, ўзбек мумтоз қўшиқчилиги тарихи ва ривожини учун қолдирган музикаий мероси маданият ва санъатимизнинг ноҳия бийлиги ҳисобланади.

Бундай азиз зотларнинг номи ҳам, мероси ҳам биз учун жуда қадри, доимо эъзозимизда бўлишига лойиқдир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2016 йил 11 ноябрда Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашувда бу жиҳатга ҳам эътибор қаратиб, "Ватанимиз гўзаллигини, юксак инсоний туйғуларни авж пардаларда куйлаган, беназир овоз соҳиби Комилжон Отаниёзов таваллудига келгуси йили 100 йил тўлади. Буюк санъаткоримизнинг юбилейини ҳақиқий санъат ва нафосат байрами сифатида бугун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонласак, Хоразм аҳлининг ҳақиқий орзуси амалга ошади, десам нима дейсизлар?", деб айтган тақлифидан нафақат Хоразм аҳли, балки мамлакатимиз санъат шинавандаларининг ҳам кўкси гурурга тўлди.

Ушанда Президентимиз вилоят марказида Комилжон Отаниёзов номи билан аталадиган замонавий ижод маркази ва унинг таркибига гўзал боғ ташкил этиш гоя ва ташаббусини илгари сурди, истеъдодли ёшларимизнинг бу ерга келиб, адабиёт ва санъат, кино, фотография сирларини теран ўрганишини йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади. Вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадидаги кейинги таширифи давомида давлатимиз раҳбари мазкур ижод маркази курилиш жараёнини қўздан кечирди, улуг санъаткор ҳайкалини барпо этиш, курилиш лойиҳасини такомиллаштириш борасида тегишли кўрсатмалар берди.

Бугун вилоятда мазкур юбилей олдидан қизин тайёргарлик ишлари олиб борилаётган. Санъаткор номи билан боғлиқ масканлар — Шовот туманидаги боғ, Урганч шаҳридаги уй-музей, унинг номи билан аталувчи маҳалла ва кўчаларда ободонлаштириш ва кўкчаларда ободонлаштириш ишлари қизгин давом этаётди. Хотира кечалари доирасида санъат, адабиёт, маданият намоёндалари билан учрашувлар ўтказилаётган.

Ушанга учрашувда Президентимизнинг Комилжон Отаниёзов номини абадийлаштириш борасидаги тақлифидан бир қувонган бўлсак, бугун бу улуг гоя амалга ошаётганидан яна бир қарра гурурга туйдиқ. — дейди Ўзбекистон халқ артисти Фафуржон Эшонов. — Беназир ҳофиз нафақат Хоразм мусиқий анъаналари, дoston ва термаларини, балки ўзбек мумтоз қўшиқчилигини кенг тарғиб этишда муносиб ҳисса қўшган. У ўзининг ижодий фаолияти давомида мингдан ортиқ қўшиқ яратган, аксарияти ноёб санъат дурдонаси сифатида халқ мулкига айланган. Бу

САНЪАТГА БАХШИДА УМР

борада ҳофизнинг ўзи "... санъаткор билими, ориф, сўз ва созини юракдан хис қиладиган инсон бўлиши керак. Қўшиқ матни, мазмуни, руҳи, оҳанги ва дардини мукамал англаши зарур. Шоир шеърни ўйнаб ёзмайди, уни дард, кучли эҳтирос, ақл ва нафосат билан битади. Санъаткор ҳам шоир кечинмаларини ўзиникига айлантириб,

разм" каби қўшиқлари ҳам оммабоп, ҳам халқчилиги билан ажралиб туради. Комилжон Отаниёзов ўзбек қўшиқчилиги санъатига жуда кўп янгилик олиб кирди. Хусусан, тор билан қўшиқ айтиш усулини мукамал даражага кўтарди. Мумтоз қўшиқларни янги йўналиш ва талқинда ижро этди. "Лазги", "Орази-бон", "Қайроқ" каби машҳур рақсларга

этилаётган кўрик-танлов ҳам худди шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

— Ижрочилик фаолиятини баста-корлик билан биргаликда олиб борган забардаст санъаткор ўзбек мусиқали драматининг шаклланишига ҳам хисса қўшган, — дейди Хоразм вилоят мусиқали драма театри директори Динора Иброҳимова. — Комилжон Отаниёзов бир муддат бизнинг театри-мида ҳам фаолият юритган ва бу бизга гурурга бағишлайди. Театрдаги фаолияти давомида "Фарҳод ва Ширин"да Фарҳод, "Тоҳир ва Зухра"да Тоҳир, "Даврон ота"да Даврон ота, "Гулсара"да Қодир каби ўнлаб бош ролларни маҳорат билан ижро этган. Устоз санъаткорнинг ҳаёти ва ижоди ёшларимиз учун ҳамиша ибрат мактабидир.

Бутун умрини санъатга бахшида этган бу инсон ташаббускор раҳбар ҳам эди. У Ўзбекистон Давлат филармонияси қошидаги Хоразм халқ ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик қилди. 1967 йили Туркменистон Республикасининг Тошқув вилоят театрида халқ ансамбли, 1973 йили эса Хоразм вилоятининг Шовот туманида "Феруз" ансамбли ташкил этилишида бош-қош бўлди.

Ўзини англаган, ҳурмат қилган санъаткор эл-юрти ташвишини ўз муаммоси деб билади. Ўзбекистон халқ артисти Санъат Девонун шундай ҳикоя қилади: вилоят театрининг ёзги биноси авария ҳолатида бўлиб, актёрлар ҳар куни томоша тутагач, томошабинлар театрдан бирон қор-қол юз бермасдан эсон-омон чиқиб кетишини талаб ўтиришаркан. Фақат режани ўйловчи театр директорининг журъдлиги боис, деворни қайтадан қуришга жазм этилмади. Қулулардан бир кун директор пойтахтга хизмат сафарига қақирлади, театрға эса вақтинча раҳбар этиб Комилжон Отаниёзов тайинланади. Инсон манфаатини ҳамиша устун билган санъаткор бошқалар "режа барбод бўлади", дейишса-да масъулиятни ўз зиммасига олади ва қулай деб турган деворни йиқитиб, ҳашар йўли билан уни қайтадан қурдиранди. Қарангки, театр раҳбарияти бир йилда қилолмаган ишни Комилжон Отаниёзов бир ҳафтада бажариб қўя қолган...

Алишер Навоий бобомиз машҳур мисраларида қайд қилганидек, инсон фақат халқ гами, эзгу ишлар хаёли билан яшashi керак. "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Комилжон Отаниёзов нафақат беназир истеъдод эгаси, балки ўзгалар гами билан яшайдиган чинакам инсон ҳам эди. Унинг ижодий мероси, халқимизга ва келажак авлодларга қолдирган улуг ва эзгу ишлари ҳар биримиз учун қадрли ва ардоқлидир.

Алишер РАҲМОН, "Milly tiklanish" муҳбири

Тиббий маслаҳат

УЗУМ ИММУНИТЕТНИ КЎТАРАДИ

Узумнинг калорияси жуда юқори: 100 грамм мевада 65 килокалория мавжуд. Ундаги минераллар инсон организми учун зарур бўлган барча моддалар билан таъминлаш имконига эга. Узум таркибига 150 дан зиёд фаол биологик модда — инсон организми учун фойдали бўлган 20 фойзгача қанд, оксил, ёр ва турли дармондоридор.

Узумнинг яна бир асосий хусусияти — таркибига кислота-ларнинг кўплигида. Улар нафас йўлларида энгил қитиқлайди, балғам кўчишини осонлаштиради ва йўтални юмшатади. Паришохтирилади, организмда туз тўпланишининг олдини олишда ҳам узум истеъмоли фойда беради.



Узум билан даволаш фанда ампелотерапия деб аталади. Узум организмдаги моддалар алмашинувни яхшилайди, камқонликда, ошқозон ширасида кислоталилик даражаси ошганда тавсия этилади. Уни истеъмол қилганда қонда эритроцитлар сони ошиб, гемоглобин даражаси кўтарилади. Қолаверса, юрак қон-томир касалликлари, шу жумладан инфаркт ва инсулт, камқонлик каби хасталикларнинг олдини олишда профилактика вазифасини ўтайди. Узум турли минерал тузларга ҳам бой. Таркибига калий кўп. Шу сабабли юрак-ишемик касалликлари билан оғриган инсонлар учун фойдали саналади.

Узумнинг ҳатто гўраси ҳам шифобахш: сафрони ҳайдайди, чанқоқни босади, меъда, ошқозон, жигарга қувват бағишлайди. Баргидан томоқ оғриги, турли яра ва жароҳатларни даволашда фойдаланилади. Токнинг ёш бағри ва новдаси гипертония ҳамда қандли диабетни даволашда аини муддао. Узум буйрак фаолиятини ҳам яхшилайди, буйрак ва ўт пуфғида тош ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади. Узум кислотаси овқат ҳазмини энгиллаштиради, иштаҳани очади, ичак микрофлораси ва ошқозон ширасининг таркибини меъерга келтиради.

Узумдан тайёрланган майиз ошқозон ва ичакларни зарарли моддалардан тозалайди. Нафас йўллари ва жигар фаолияти учун фойдали бўлиб, йўтал, буйрак ва қовуқ касалликларида ёрдам беради, ички яраларни даволайди.

Узум данаги ҳам фойда. Ундан тайёрланган шарбат организмни керакли куч ва энергия билан таъминлайди. Бу мевани доимий равишда истеъмол қилиш иммун тизимини мустаҳкамлашда ёрдам беради. Қолаверса, узум бош мия фаолиятини яхшилайди, айниқса, доимий равишда ақлий меҳнат билан шуғулланувчи инсонлар учун унинг фойдаси жуда катта. Эрталаб ичилган бир стакан узум шарбати инсон организмни кун давомида тетиклаштиради. Шунингдек, бу мева нафас ағзалари билан боғлиқ хасталиклардан азият чекувчи инсонлар учун ҳам тавсия этилади.

Таркибига қанд кўплиги боис узум шарбати организмни заиф беморларга дармон бўлади. Бироқ қандли диабет билан оғриган беморларга тавсия этилмайди.

ТУРФА ОЛАМ

4,5 МИЛЛИАРД ЁШЛИ МЕТЕОРИТ

Нидерландиядаги омборхонага ярим йил аввал қулаган номаълум жисм ёши 4,5 миллиард йилга тенг бўлган метеорит бўлиб чиқди. Бу ҳақда "ria.ru" хабар тарқатган. Ярм килограммли тош шу йилнинг 11 январь куни мамлакатнинг шимолий қисмида жойлашган Брук қишлоғидаги омборхона томини тешиб ўтди. Иморат эгалари уни эртасига топиб олди ва Лейдендаги табиатшунослик музейи мутахассисларига топширди.

Экспертлар ўрганишларидан сўнг қишлоққа қулаган тош 4,5 миллиард йил аввал пайдо бўлгани ва Куёш тизимига тенгдош метеорит экани аниқланди.

Самовий жисм Марс ва Юпитер оралиғидан учиб келгани айтилмоқда. Бозор баҳоси минг еврога баҳоланаётган метеоритни музей маъмурияти унинг эгаларидан сотиб олишни мўлжалламоқда.

Шаҳзода ҒАФҒОРОВ тайёрлади.

Эълон!

Тошент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 2017 йилнинг 25 май куни № 520708-рақам билан рўйхатда олинган гувоҳнома ҳамда "O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi yadro fizikasi instituti" Давлат муассасаси номига берилган СТИР 304911291-сонли солиқ тўловчининг идентификацион рақами БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎзДЖТУ томонидан Қодирова Мафтуна Даврон қизига 2015 йилда берилган В № 056450 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎзДЖТУ томонидан Ризаев Акбар Неъматуллаевичга 2010 йилда берилган В № 493530 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Янги дастур

Тезкор ва қулай ахборот олиш, жаҳонда кечайтган воқеа-ҳодисалардан хабардорлик — бугунги давр кишиси учун муҳим ахтиёж. Электрон кутубхоналар ана шу маънавий ахтиёжни ўз вақтида, осон ва қулай қондиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда китобхоналик маданиятини янада юксалтириш, ёш авлодни мутолаага жалб этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 январдаги "Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхоналик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бунинг ёрқин далилидир.

— Электрон кутубхона ҳам босма китоблар каби инсон билим ва салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди "Uzbook" виртуал-аудио кутубхона лойиҳаси раҳбари Ойбек Исаев. — Мазкур лойиҳани амалга оширишни бундан

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ИЛК ВИРТУАЛ-АУДИО КУТУБХОНА

икки йил аввал режалаштирган эдик. Бироқ уни мўлжалимиздан олти ой олдин амалга оширдик. Дастлаб компьютер дастурчилари билан махсус мобил дастур тузиш бўйича режа ишлаб чиқдик. Ундан сўнг лицензия олинди, овоз ёзиш студияси ташкил қилинди, замонавий жиҳозлар келтирилди. Таниқли адибларимиз билан шартномалар туздик ва унга янги муаллифларни ҳам жалб қилдимиз. Шунингдек, ишга профессионал суҳандон ва режиссёрлар ҳам тақлиф этилди.

"Uzbook" — Марказий Осиёдаги илк виртуал-аудио кутубхона. Уни ташкил этишдан асосий мақсад — замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда китобхоналарга ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини қулай етказиш ва китоб ўқиш жараёнини осонлаштиришдан иборат. Бу дастур орқали ўзбек, рус ва инглиз тилларида ҳам китоб ўқиш мумкин. Гарчи шу йилнинг 1 июнидан иш бошлаган бўлса-да, дастурга бугун юртдошлари-

миз қизиқиш бидириб, кўплаб китобларни мобил дастур орқали он-лайн тарзда юклаб олмақда.

Дастур жуда кўп қулайликка эга. Масалан, спорт билан шуғулланиш давомида тилга қизиқувчилар самарали усул орқали инглиз тилини тезроқ эгаллаши, осон ва қулай тарзда китоб мутолаа қилиши мумкин. Китобхоналар мобил дастури орқали ўзи хоҳлаган китобни бир марта юклаб олса уни исталган вақтда эшитиш имконига эга бўлади. Шу тариқа мобил телефонингизда "шахсий кутубхона" пайдо бўлади.

Китобларни юклаб олишда тўловни Рауте, Click, Mbank, Paynet, Uzcard орқали амалга ошириш мумкин. Тез кунларда халқаро Visa, Mastercard тўлов тизимлари орқали чет элларга ҳам сотиш имкони яратилади.

Шаҳло ҲОЖИЕВА, Олмазор политехника коллежи ўқитувчиси

MILLIY TIKLANISH logo and contact information for the newspaper.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Ахром АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Суван НАҲБИДДИНОВ, Аммал САЙДОВ, Алишер КОДИРОВ, Муҳаммадjon ҚУРОНОВ, Исмаил ТУДЮБЕРОВ. Бosh муҳаррир: Бехзод НОРОБОВ. ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бosh муҳаррирининг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73. Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қозғ бичими А-2 "ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг chorshanba куни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Бюроми — Г 716, Адади — 5170. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда. Навбатчи муҳаррир: Дилфуза РҶЗИЕВА ISSN 2010-7714. Навбатчи: Аҳмад ЮСУПОВ Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru. Босишга топшириш вақти — 21.30. ЎЗА якуни — 22.30. Топширилди — 01.30. 1 2 3 4 5